

ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА ТАЛАБАЛАРДА КРЕАТИВ ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИ

Маматалиева М.И

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари
институти” миллий тадқиқот университети таянч докторанти.

E-mail: mohinur.mamataliyeva.94@bk.ru

АННОТАЦИЯ

Бугунги кунда юртимизда фан ва технологияларнинг сўнги ютуқлари ишлаб чиқариш билан бирга, таълим соҳасига ҳам сезиларли ўзгаришлар, янгиликлар ва ўқитишнинг замонавий воситаларини олиб кириш имконини берди. Бу ютуқларнинг таълим соҳасига кириб келиши унинг анъанавий вазифаларига нисбатан ҳам сезиларли ўзгартиришлар киритиш заруратини қўйди. Шу аснода таълимдаги ислохотлар моҳиятини тушуниш ва англаб етиш учун зарурий педагогик шарт шароит ва ижодий муҳитни яратиш муаммоси юзага келди.

Таянч сўзлар: компетент, интернационализациялаш, модернизациялаш, инновация, инвестицион, иқтисодий рақобатбардошлик.

METHODOLOGY OF DEVELOPING STUDENTS' CREATIVE ABILITIES BASED ON INNOVATIVE EDUCATIONAL TECHNOLOGIES

ABSTRACT

The latest advances in science and technology have brought significant changes, innovations and modern teaching tools to the field of education along with production. The penetration of these achievements into the field of education made it necessary to make significant changes in its traditional tasks. In this context, the problem of creating the necessary pedagogical conditions and creative environment for understanding and realizing the essence of educational reforms has arisen.

Keywords: competence, internationalization, modernization, innovation, investment, economic competitiveness.

Бугунги кунда педагогика фани тараққиётининг замонавий йўналишлари мавжуд анъанавий таълим парадигмасининг объектив асослари ва уларнинг ривожини таъминловчи қонуниятларини модернизациялашдан иборат этиб белгиланди. Педагог кадрларнинг креатив компетентлигини ривожлантириш орқали ижодий таълим жараёнини лойиҳалаштиришнинг замонавий методик таъминотини яратиш, талабаларда касбий фаолият соҳаларига йўналтирилган креативлик қобилиятларини ривожлантириш олий таълимнинг таълим сифатини ошириш жараёнидаги ижтимоий ролини таъминлаш масалалари муҳим ўрин тутди. Бу масалани эътиборга олган ҳолда етакчи хорижий тажрибалар асосида замонавий касбий таълим мазмунини интернационализациялаш ва модернизациялаш, инновацион таълим муҳитини шакллантириш, интерфаол ўқитиш методлари ва технологияларини амалиётга кенг тadbик этиш асосида талабаларда креативлик қобилиятларини ривожлантиришнинг педагогик механизмларини янада такомиллаштириш заруратини кўрсатади. Ушбу ўринда таълим оловчиларнинг янги билимларни ўзлаштириш, ижодкорлик ҳамда фикрлаш мезонларига таянувчи парадигмани яратиш зарурияти намоён бўлиб, у таълим мазмуни методлари, ташкилиш шакллари, кадрлар таъминоти каби жиҳатларни кенг кўламда акс эттиручи таълим муаммоларини алоҳида долзарб масала сифатида олдинги ўринга олиб чиқишини кўрсатмоқда. Бу эса таълим жараёнида “ўқитувчи ва таъдим оловчи” муносабатларини инсонпарварлаштириш ва шахсга йўналтириш орқали ўқув жараёнини мустақил ташкил этиб, бошқарувчи, ҳар бир таълим оловчи шахсининг ижодий ва интеллектуал ривожини таъминловчи замонавий ўқитувчи шахсига бўлган талабларни вужудга келтирди. Таълим-тарбия жараёнида ўқитувчининг педагогик таъсири асосий ва етакчи омиллардан бири ҳисобланиши замонавий таълимда янгича касбий қиёфадаги педагогга бўлган ижтимоий талаб ортиб бормоқда [1].

Ўқитувчининг самарали фаолият кўрсатишга ундовчи дарснинг методик ишланмасини пухта ишлаб чиқишдан фарқли ўлароқ, таълим технологияси

талабалар фаолиятига нисбатан йўналтирилган бўлиб, у талабаларнинг шахсий ҳамда ўқитувчи билан биргаликдаги фаолиятларини инобатга олган ҳолда, ўқув материалларини мустақил ўзлаштиришлари учун зарур шарт-шароитларни яратишга хизмат қилади. Бу ўз навбатида таълимда инновацион таълим технологияларини ташкиллаштириш заруратини кўрсатади. Луғавий жиҳатдан “инновация” тушунчаси инглиз тилидан таржима қилинганда (“innovation”) “янгилик киритиш” деган маънони англатади. “Инновация” тушунчаси мазмунан аниқ ҳолатни ифодалайди. Инновацион таълим (ингл. “innovation” – янгилик киритиш, ихтиро) – таълим олувчида янги ғоя, меъёр, қоидаларни яратиш, ўзга шахслар томонидан яратилган илғор ғоялар, меъёр, қоидаларни табиий қабул қилишга оид сифатлар, малакаларни шакллантириш имкониятини яратадиган таълим. Замонавий таълимга хос муҳим жиҳатлардан бири – педагог фаолиятининг инновацион характер касб этишига эришиш саналади. Ривожланган хорижий мамлакатларда педагог фаолиятининг инновацион характер касб этишига эришиш масаласи ўтган асрнинг 60-йилларидан бошлаб жиддий ўрганила бошлаган. Хусусан, Х.Барнет, Ж.Бассет, Д.Гамильтон, Н.Гросс, Р.Карлсон, М. Майлз, А.Хейвлок, Д.Чен, Р.Эдем, Ф.Н. Гоноболин, С.М. Годнин, В.И.Загвязинский, В.А.Кан-Калик, Н.В.Кузьмина ҳамда В.А.Сластенин каби тадқиқотчилар томонидан олиб борилган ишларда инновацион фаолият, педагогик фаолиятга инновацион ёндашиш, инновацион ғояларни асослаш ва уларни амалиётга самарали тадбиқ этиш, хорижий мамлакатлар ҳамда республикада яратилган педагогик инновациялардан хабарор билиш орқали педагог фаолиятида улардан фаол фойдаланиш борасидаги амалий ҳаракатлар мазмунини ёритилган. Моҳиятига кўра инновациялар муносабат ёки жараёнга янгилик киритишнинг динамик тизими саналади. Ўз-ўзидан тизим сифатида янгилик киритириш муносабат ёки жараённинг, биринчидан, ички мантиғини, иккинчидан, киритилаётган янгиликнинг муайян вақт оралиғида изчил ривожланиши ва атроф-муҳитга кўрсатадиган ўзаро таъсирини ифодалайди. Бугунги кунда педагогларнинг инновацион фаолият кўникма, малакаларига эга

бўлишлари муҳим аҳамиятга эга. Педагоглар томонидан инновацион фаолият кўникма, малакаларини ўзлаштира олишларида уларнинг инновацион ёндашувга эга бўлишлари талаб этилади. Ўз моҳиятига кўра педагоглар томонидан инновацион фаолият кўникма, малакаларининг ўзлаштирилиши уларда инновацион ёндашувни қарор топиши асосида кечади. [2].

Инновацион таълим жараёнларини ташкиллаштиришнинг касбий-ижтимоий зарурати креатив фаолиятга бўлган эҳтиёжининг мавжудлиги, касбий тайёргарлигининг такомиллашуви, интерфаол таълимнинг самарали жиҳатлари ҳамда ўқитиш моделлари ва таснифланиши таҳлил қилишга имкон яратади.

Жамият тараққиётининг муҳим таянчи шахс ҳисобланади, ҳамда шахснинг креативлик ва интеллектуал имкониятлари унинг мустақил ва ижодий фаолияти таъсирида янада ривожланиши ҳақидаги илмий хулосалар замонавий педагогиканинг шахсга йўналтирилган мазмундаги янги парадигмасининг шаклланишига асос бўлиб хизмат қилмоқда. Шунингдек, замонавий педагогик тадқиқотларнинг янги йўналишида таълимни шахсга ва шахс ижодкорлигига йўналтириш, инновацион ўқитиш методлари ва технологиялари асосида таълим муҳитини яратилиш масаласига эътибор қаратилди.

Шарқ мутафаккирлар томонидан таълим-тарбияга оид қарашларида ҳамда асарларида инсон комолоти бахт саодатга эришиши ва ривожланиши учун шароит яратиш лозимлиги борасида айтиб ўтган. Бу борада Алишер Навоий, Абу Наср Фаробий, Абу Райхон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Хусайн Воиз Кошифий талқинида маърифатга, маънавий эркинликка, камолотга эришиш йўлида ўқитувчининг меҳнати билан боғлиқ ҳолда тасаввур этилади.

Шарқда “Муаллими соний” (“Иккинчи муаллим”) номи билан машҳур Абу Наср Фаробий [3] таълим тарбияга биринчи марта таъриф берган олим ҳисобланади. Улуғ мутафаккирлар таълимда барча фанларнинг назарий асослари ўрганилса, тарбияда маънавий –ахлоқий қоидалар, одоб меъёрлари ўқувчиларга сингдирилади ҳамда касб-ҳунарга ойда малака ва кўникмалар ҳосил қилинади деган ғояни илгари суради. Бу муҳим вазифа тажрибали тарбиячилар томонидан

таълим –тарбиянинг турли методлари ёрдамида амалга оширилади, деб айтадилар.

Тадқиқотчи олим Ш.С.Шариповнинг илмий изланишларида креативлик ижодкорлик тушунчаси билан боғлиқ холда талқин этилган бўлиб, тадқиқотчи олим талабаларда ижодкорлик қобилиятини шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитларини меҳнат ва касб таълими ихтисосликларини эгаллаётган мутахассислар мисолида очиб берган [4].

Илмий изланишлар доирасида тадқиқотчи бўлажак ўқитувчиларда ихтирочилик ижодкорлигини шакллантиришнинг назарий асослари, ушбу жараёнда янги замонавий ахборот технологияларидан фойдалана олиш имкониятларива бунда дастурлаштирилган таълимдан фойдаланиш бўйича ёритиб ўтилган. Муаллиф ихтирочилик бу- тегишли идоралар томонидан патентлар билан тасдиқланган янги техник ечимини ишлаб чиқишга йўналтирилган ижодий фаолият тури эканлигини таъкидлайди. Ихтирочилик ижодкорлиги эса- бу жараённинг шахсдаги зехнлилик, топқирлик, мустақил ва танқидий фикрлаш каби ижодкорлик сифатлари билан боғлиқ умумий тавсифи сифатида изоҳланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Исмаилова З.Қ., Махсудов П.М., Эргашев О.К., Маткаримов К.Ж., “Махсус фанларни ўқитиш методикаси” ўқув қўлланма. Тошкент-2018. -7-бет.
 2. Инновацион таълим технологиялари / Муслимов Н.А., Усмонбоева М.Х., Сайфуров Д.М., Тўраев А.Б. – Т.: “Сано стандарт” нашриёти, 2015. – 150 б.
 3. Педагогика назарияси ва тарихи. Педагогика назарияси. 1-қисм./ М.Тўхтаўжаева ва бошқ. – Т.: Иқтисод-молия, 200-379 б.
- Шарипов Ш.С. Касб-хунар таълимида ўқувчилар ижодкорлик қобилиятларини узлуксиз ривожлантириш. Монография. -Тошкент, Фан, 2005-140 б.